

1996 йилда «Адвокатура тўғрисида»ги ва 1998 йилда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши адвокатура институтининг мустақиллигини яна маълум даражада мустаҳкамлади ҳамда адвокатларга касбий вазифаларини амалга оширишда кенг-роқ имкониятлар яратди.

Шу билан бирга, адвокатурага оид қонун ҳужжатларида айрим масалаларнинг тартибга солилмаганлиги сабабли амалиётда соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар келиб чиқа бошлади. Президентимизнинг 2008 йил 1-майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Мазкур фармонда белгиланган асосий йўналишлар буйича ўтган давр мобайнида 3 та қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори ва 8 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Хусусан, 2009 йилнинг 1 январидан «Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Унда адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида камида олти ой муддат стажировка ўтаган бўлиши кераклиги ҳақидаги талаблар қўйилган. Адвокатларнинг касбий малакасини ошириши шартлиги жорий этилган, адвокатлик тузилмаларнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари аниқ белгилаб берилган, адвокатлар ва айбловчиларнинг тенг ҳуқуқлилигини, адвокатнинг айбланувчи, судланувчи билан ҳеч қандай чекловларсиз учрашиш имкониятини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган. Шунингдек, ушбу қонунда адвокатлик фаолияти кафолатларини реал таъминлаш мақсадида адвокат-

нинг касбий фаолиятини амалга оширишга тўқсинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чораси жорий этилган. Тарафларнинг вакиллиги институтини босқичма-босқич тақомиллаштириш, судда ишларни ҳал қилишда ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимларга эга бўлмаган шахсларнинг иштирок этишига барҳам бе-

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ ТАКОМИЛИ



риш мақсадида 2008 йил 15 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унда ишда ҳимоячи сифатида фақат адвокат, шунингдек, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бири иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилган.

2009 йил 11 сентябрда кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга биноан судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессорлик фаолият билан фақат адвокатлар шугулланиши мумкинлиги белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкилини ташкил этиш тўғрисидаги (2008 йил 27 май), адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш меънасини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги (2008 йил 20 июнь), адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва ад-

Фармон ва ижро

вокатлар палатасининг Таъсис конференцияси ўтказилиб, унда адвокатлар палатасининг Устави, Адвокатлар палатасининг тафтиш комиссияси тўғрисидаги низоми ва Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари тасдиқланди. Адвокатлар палатаси бошқаруви организи тўғрисида.

«Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, 2009 йилнинг 1 январига фаолият кўрсатган адво-

катлик тузилмалари, шунингдек, уларда ишлаган адвокатлар 2009 йилнинг 12 июлигача адвокатлик тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, лицензияларини ҳамда адвокат мақомларини кўрсатиб ўтилган қонунга мувофиқлаштириш масалаларини ҳал этиш лозим бўлди.

Адлия вазирлиги ва адвокатлар палатаси томонидан Адвокаттура бўйича малака имтиҳонлари билетига киритил-

диган саволлар рўйхати ҳамда адвокатлик тузилмаларининг намунавий ҳужжатлари (адвокатлик бюросининг намунавий устави, адвокатлик фирмасининг намунавий устави, адвокатлик фирмасининг намунавий шериклик шартномаси, адвокатлар ҳайъатининг намунавий устави, адвокатлар ҳайъатининг намунавий таъсис шартномаси, юридик маслаҳатхона тўғрисидаги намунавий низоми) тасдиқланиб, Адлия вазирлигининг расмий сайтыга жойлаштирилди.



Ўткир респиратор юқумли касалликлар ва оддий мавсумий грипп ҳамда А/Н1Н1 вируси кенг тарқалаётгани боис Россия худудидаги барча мактабларда «эрталабки текширув» тартиби жорий этилди.

«ЭРТАЛАБКИ ТЕКШИРУВ» ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Россия давлат санитария врачлари Геннадий Онищенко айтишича, дейлида «Маяк» радиоси афборотида, ушбу тартибга кўра, ҳар кун эрталаб ўқувчиларни тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар текширувдан ўтказдилар. Фақат соғлом ўқувчиларгина мактабга кирилади, салгина шамоллаш аломатлари аниқланган ўқувчилар эса уйларига қайтарилади.

Пермдаги мактабларда эса касалликларнинг олдини олиш ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда чиниктириш учун жисмоний тарбия дарслари янада кўпайтирилди.

«Regnum» АА маълум қилишича, жорий ўқув йилида синфларда бир ҳафтада уч марта жисмоний тарбия дарслари ўтказилмоқда.

Куйидаги хабар ҳам Россия ҳаёти билан боғлиқ.



«Новости» АА хабар беришича, ўтган ҳафта жума кун Россия парламентининг куйи палатаси — давлат думаси транспорт солиғи икки баравар оширилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини қабул қилган эди. Унга кўра, 2010 йилдан бошлаб транспорт солиғи оширилиши ва бу ҳудудий маъмуриятлар зиммасига юклатилиши лозим эди. Аммо думашба кун Россиянинг 30 дан ортиқ шаҳрида ҳудудий маъмуриятлар ва автомобиль соҳибдорларининг норозилик билдириши мамлакат раҳбариятини бу масалани қайта ўйлаб кўришга мажбур этди.

Шу боис транспорт солиғини ошириш ҳақидаги қонун парламентнинг юқори палатаси — Федерация кенгашида кўрилмайдиган бўлди. Аникроги, қонун кучга кирмай бекор қилинди.

Жамият ривожига оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. ОАВ сависиси қай даражада бўлиши эса журналист кадрларини тайёрлайдиган масканлар зиммасига катта масъулият юклайди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг «Талабалар малакавий амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда диққат-этибор ушбу долзарб вазифага қаратилди.

ТАЛАБА ВА АМАЛИЁТ

Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари, бир қатор республика матбуот нашрларининг бош муҳаррирлари, журналистлар ҳамда талабалар иштирок этишди. Журналист кадрлар тайёрлаш жараёнида назарий билим билан бир қаторда асосан амалиёт муҳим ўрин эгаллашди.

Илмий-амалий конференцияда сўзга чиққан «Ўзбекистон овози», «Кишлоқ ҳаёти», «Туркистон», «Инсон ва қонун» газеталари бош муҳаррирлари журналист кадрларни тайёрлашда амалиётнинг ўрни ва

аҳамияти, амалиётни ташкил этишда тахририятлар масъулияти ҳақида тўхталди.

Тадбир сўнггида олий ўқув юрти томонидан 2008-2009 ўқув йилида талабаларнинг амалиёт ўташ даврида ОАВда эълон қилинган энг яхши материаллар ҳамда магистрининг энг илмий-оммабоп мақоласи номинациялари бўйича танлов ғолиблари аниқланиб, улар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тошкент ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МУЛҚЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Объект номи: «**Фаргона вилояти, Кува тумани, Янгиқишлоқ қишлоғидаги 615/50 ўринли саноат ва транспорт йўналишидаги касб-хунар коллежи қурилиши**». «Калитга» Муддати — 1.09.2010 й. Бошланғич нархи: — 3590,950 млн. сўм ҚҚС билан, — 2992,459 млн. сўм ҚҚСиз.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а, тел: (373) 224-24-33. Қурилиш ишлари Давлат бюджетни маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Объект номи: «**Фаргона вилояти, Риштон тумани, Уйрат қишлоғидаги 615/50 ўринли иқтисодиёт ва сервис йўналишидаги касб-хунар коллежи қурилиши**». «Калитга» Муддати — 1.09.2010 й. Бошланғич нархи: — 3447,768 млн. сўм ҚҚС билан,

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— 2873,140млн. сўм ҚҚСиз.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а, тел: (373) 224-24-33. Қурилиш ишлари Давлат бюджетни маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Объект номи: «**Фаргона вилояти, Бешарик тумани, Шўрқишлоқ қишлоғидаги 615 ўринли компьютер технологиялари ва сервис йўналишидаги касб-хунар коллежи қурилиши**». «Калитга» Муддати — 1.09.2010 й. Бошланғич нархи: — 3169,025 млн. сўм ҚҚС билан,

бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил буйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қўни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилганда бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

МУЛҚЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фаргона туман уй-жойдан фойдаланиш қисми

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи: «**3-сонли ҳарбий шаҳарчаси 52788-ҳарбий қисм 3/130 биносини (блок А ва Б) ётоқхона қисмини мукаммал таъмирлаш**». ҚМЙга. Муддати — 60 кун. Бошланғич нархи: — 103963,214 млн. сўм ҚҚС билан; — 86636,012 млн. сўм ҚҚСиз.

Буюртмачи: Фаргона туман уй-жойдан фойдаланиш қисми.

Манзил: Фаргона шаҳри, Хўжанд кўчаси-25, тел:226-86-91, 226-67-51.

Қурилиш-монтаж ишлари мобилизация-заҳира жамағатаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: мудофаса объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етар-

ли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда

кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил буйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қўни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилганда бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатиغا!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙДАГИ ИНШОТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан	Бошланғич нархи ҚҚСиз	Объектни якунлаш муддати
1	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчасидаги Наманган Давлат университети қишлоғида 2-сонли академик лицейга 100 ўринли ётоқхона-тиайёр ҳолда қуриш.	765 052 618,0	637 543 848,3	7 ой
2	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Нодира кўчасидаги Наманган Муандислик-иқтисодиёт институти қишлоғида 2-сонли академик лицейга 100 ўринли ётоқхона-тиайёр ҳолда қуриш.	755 078 921,0	629 232 434,2	7 ой

Буюртмачи: Тошкент шаҳри, Зиё (аввалги А.Саидов) кўчасида жойлашган Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компанияси.

Телефон: (8 371) 227-11-84, 227-18-79.

Лойиҳани молиялаштириш Давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг

лик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тахрирбали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича танлов таклифлари берилганда, хориж товарларни етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганни инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдори берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо

ташкилотчиси — **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил буйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, Тел/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.


Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этиш охириг мuddати — оферталарни очилиш кун ва соати. Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилганда бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.

**Зар бир миллатнинг ўзига намоён этадиган, бошқалардан аж-
ралиб турадиган турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, тарихан
шаклланиб келган ҳаёт тарзи бор. Бу эса асосан халқ хунармандчилиги,
меъморчилиги, либослари, умуман олганда маданият ва маънавий
ҳаётда ўз аксини топади. Мамлакатимиз раҳбарининг биз халқни
номи билан эмас, балки маданияти, маънавийлиги орқали билан,
тарихининг таъ-толарига назар ташлаётган дейиши бежиз эмас.**



Қадим даврлардан халқи-
мизнинг кийиниш мада-
нияти, либосларининг бежи-
рилмиги ва мукамал бичими
дунё ахлини лол қолдириб кел-
ган. Ҳали баъзи халқлар ли-
бос ҳақида тўлиқ тасаввурга
эга бўлмаган даврларда,
ота-боболаримиз ўтган
дастурларни кийим кийишма-
ган. Улар минг йиллар ол-
дин ҳам энгига беқасам тўн,
бошига дўппи кийиб, белига

белбоғ боғлашган.
Айниқса, амалий беказ санъ-
атининг бетакрор намуналари-
ни ўзида мўжассам этган мил-
лий дўппиларимизни аждодал-
римиз ниҳоятда қадрлашган.
Хусусан, эркаклар, аёллар, бо-
лалар, нурунийлар, умуман,
аҳолининг барча қатлами кун-
далик турмушда, шунингдек,
байрам кунлари ўзига хос
бўлган бош кийим кийишган.
Тарихимизнинг турли давр-

дас саналган. Бу ўша даврда
яратилган бош кийимларда
ҳам ўз ифодасини тошган. Чу-
нончи, «Чоҳарчироқ» нақши
ўлкамизда ислом дини кириб
келишдан аввалги даврда
пайдо бўлган. Оламнинг тўрт
томони ифодаловчи ушбу
бежирим нақш марказда жой-
лаштирилган гултўп ва ундан
йўналтирилган тўртта ўткир
учли гуллардан иборат бўлган.
Уларнинг ўткир тиглари олов-
га таққосланган.
Халқимизда бошига қуш

Қадрият — ўзликни англаш

илгари замонларда мусофир-
нинг кийган дўпписига қараб,
унинг қайси худудга мансуб-
лиги аниқланган.
Бугунги кунда Республика
Давлат амалий санъат музейи-
да бадиий ижодиётнинг муста-
қил тури бўлган ўзбек дўппила-
рининг ноёб намуналари сак-
ланади. Хусусан, Тошкентнинг
«Ироқи», «чоргул», «чаманда
гул», «такдўзи», «оқлар», Шах-

Гўеки шоир ушбу фикрлари
билан баъзан эътиборсизли-
гимиз, баъзан эса моҳиятини
англамаслигимиз оқибатида
бошимизга кийиб олган
«дўппи»ларни назарда тутаёт-
гандай туйилади. Бир пайтлар
араб давлатларидан соғва си-
фатида келтирилган «оқ
дўппилар» бугунги кунга келиб
анча кўпайиб қолди. Бу ҳам
етмагандай, яна турли хил
ғалати дўппилар пайдо бўла
бошлади.
Бугун бу каби турфа хил,
турфа андозадаги «тақсимча-
симон» бош кийимлар кўпа-
йиб кетаётганлиги кўриб,
улар бирор-бир бўлмағур мақ-
садларга хизмат қилмаётган-
микан дея хавотирга тушасан.
Шу ўринда Президентимиз-
нинг агар ҳарбий, иқтисод-
ий, сиёсий тазийқ бўлса,
буни сезиш, кўриш, олди-
ни олиш мумкин, аммо
мафкуравий тазийқни,
унинг таъсири ва оқибатла-
рини тезда илғаб етиш ни-
ҳоятда кийин деган фикрла-
ри ёдга тушади.

Глобаллашув ва маънавий
таҳдидлар кучайиб бораётган
бугунги шароитда миллий
ўзликни, аниқта, яна ба
қадриятларимизни сақлаб қолиш
бизнинг энг асосий вазифа-
миз, таъбир жоиз бўлса, бур-
чимиздир.
Қадимда бировнинг дўппи-
сини бошидан тушириб юбо-
риш ўша кишини қаттиқ
ҳақоратлаш билан баробар
бўлган.
Ўзга хойлардан келтирилган
дўппини кийган эркак эса ма-
ҳаллий аҳолининг газабига уч-
раган. Ота-боболаримиз бош
кийими бўлган дўппини ор-но-
мус, иймон-эътиқод рамзи деб
билишган. Улар қўлидаги кам-
чини, белидаги пичоғини, бо-
шидаги дўпписини ҳеч нарса-
га алмаштирмаган.
Зеро, асрлар давомида азиз
бошимизни бебаб турган
ҳақиқий ўзбек дўпписи билан
ҳар қанча гурунлансақ арзий-
ди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Турғунбек МАҲКАМОВ
олган сурат.

ЎЗБЕК ДЎППИСИ

ёки рост дўппилар, ёлғон дўппилар ҳақида

ларига оид тангалар, хайкал-
чалар ҳамда деворий расмлар
дўппининг тарихи жуда узоқ
асрларга бориб тақалишидан
дарах беради. Уни кийиш дав-
рда Урта Осиё халқлари ора-
сида, XIII асрда эса бошқа
минтақаларда расм бўлган. XV-
XVI асрларга оид минатюра-
ларда аждодалримизни дўппи-
га ўхшаш бош кийимда тас-
вирлаш ҳоллари кўп учрайди.
Манбаларда айтилишича, ўша
даврларда пахталик матодан
тиқилган дўппилар машҳур
бўлиб, улар кишиларнинг
ёшига қараб турлича бўлган.

Дастлаб конуссимон шаклда-
ги кенг гардишли дўппилар
кийилган бўлса, кейинчалик
уларнинг шакли турли хил,
яъни учи қуббали, ярим шар-
симон, юмалок, тўрт қирралли
кўриниш касб этган. Улар асо-
сан ипақ, баҳмал ва бошқа ма-
толардан тўқилиб, бир хил тус-
даги хошия билан безатилган.
Қадимги дўппилар ўзининг
ранги, чизиқлари, рамзий бел-
гиларига кўра ҳаёт ва мамот,
ёруғлик ва қоронғулик, ер ва
осмон, эъгулик тимсолларини
ўзида мўжассам этган.
Хусусан, уларда қўлланган
доира шакли бу коинот, вақт
кетма-кетлиги ҳамда қуёш
рамзи ҳисобланган. Урта Осиё
халқларининг қадимий-диний
эътиқодига кўра олов муқад-

дас саналган. Бу ўша даврда
яратилган бош кийимларда
ҳам ўз ифодасини тошган. Чу-
нончи, «Чоҳарчироқ» нақши
ўлкамизда ислом дини кириб
келишдан аввалги даврда
пайдо бўлган. Оламнинг тўрт
томони ифодаловчи ушбу
бежирим нақш марказда жой-
лаштирилган гултўп ва ундан
йўналтирилган тўртта ўткир
учли гуллардан иборат бўлган.
Уларнинг ўткир тиглари олов-
га таққосланган.
Халқимизда бошига қуш

қўнган инсон бахтли бўлади
деган нақл бор. Ўзбек дўппи-
ларининг илк намуналарида
ҳам қушларнинг тасвири кўп
учрайди. Бугунги кунда Тош-
кент ва Фарғона водийсида
кенг тарқалган ироқи дўппи-
нинг нақшида ҳам ранг-ба-
ранг гулли новадалар ораси-
даги яшил, кўк тусли қушча-
лар шакли мавжуд. Шунинг-
дек, қадимий дўппиларда
хошия шаклидаги жуфт бурма
чизиқ ёки хошия вазифа-
сини бажарувчи қават-қават
барглари кўринишидаги қўқор
шоҳларнинг тасвири ҳам
бор. Улар ўзида куч, мардлик
ва химояни гавдалантирган.
Ривоятларга кўра дўппининг
устки қисмидаги тўртта гул
эркак саломатлигини тўрт то-
мондан ҳимоя қилган. Хоши-
ясидаги 16 та гул эса киши-
ларнинг қатта ва аҳил оилга
эга бўлиш тилагини ифода-
лаган.

Юртимизда дўппидўзлик
санъатининг Тошкент, Самар-
қанд, Фарғона, Бухоро, Қаш-
қадарё-Сурхондарё ва Хоразм-
Қорақалпоғистон каби асосан
6 та маҳаллий тури шакллан-
ган. Табиий, жўғрофий шароити
дўзлик бўлган ушбу худудлар-
да яратилган дўппилар ўзининг
шакли, нақши, рамзий белги-
лари билан бир-бирдан фар-
қланган. Шундан бўлса керак,

рисабзнинг «ироқи», «гилам
дўппи» деб аталувчи турлари,
Чустнинг қора сатинга оқ ипақ
билан тикилган «қалампир» нус-
хаси, Денов, Ургут, Самарқанд
ва Бошқа жойларда тайёрлан-
ган дўппилар бир-бирдан
ўзига хос қаша гуллари билан
ажралиб турадики, улардан ҳай-
ратланмаслик мумкин эмас.
Минг афсуски, мана шундай
тарихий йўлни босиб ўтган,
миллатимизга фахр-ифтихорига
айланган ўзбек дўпписини бил-
либ-билмай аллақандай ажна-
бий дўппиларга алмаштириш
ҳолатлари кишини мулоҳаза
юретишга ундайди. Одам-
ларимиз бошида пайдо бўла-
ётган оқ, кўк, малла, сарик,
хошияли, хошиясиз «дўп-
пи»ларни қўрғанда ўйлаб қола-
сан киши. Қандай кийим кийиш
ҳар қимнинг шахсий иши ҳисоб-
ланса-да, қўнғимизда мабодо
дўппи кийгимиз келса ана ўзи-
мизники бор-ку, шартми биро-
винг дўпписини кийиш деган
истихола туғилади.
Ўзбекистон халқ шоири Му-
ҳаммад Юсуфнинг «Дўппи» ном-
ли шёрида шундай сатрлар
бор:
**Рост дўппилар,
Ёлғон дўппилар...
Чуст дўппилар,
Анжон дўппилар,
Мунчокдек Марғилон
дўппилар...**

Орамиздаги одамлар

Ўқитувчилик — масъулиятли ва шарафли касб. Юртимизда шу касбни
эъзозлаб, ардоқлаб ҳурмат-эътибор қозongan кишилар оз эмас. Узун ту-
маннинг «Файзобод» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Хўжановлар
оиласини ҳам ўқитувчилар оиласи, дея ҳамма ҳурмат билан тилга
олади. Собир ота Хўжанов бошлаган кутлуг йўли фарзандлар, ке-
линдлар, набиралар давом эттиришмоқда. Бирлари математик,
бошқаси тарихчи, кимё ўқитувчиси...

**СОБИР МУАЛЛИМ
СУЛОЛАСИ**

бир оилادا ўн икки нафар олий маълумотли ўқитувчи

— Қашқадарё вилояти-
нинг Деҳқонobod тумани-
да таваллуд тошганман,
— дейди оила бошлиғи
Собир ака. — Отамни
Хўжанбой овчи, дейишар-
ди. У саёхату овчиликка
қизиқарди. Узоқ йиллар
жамоа хўжалигида ишлаган
бўлса-да, илмли кишилар-
га ҳурмати баланд эди. Хо-
надонимизда тез-тез ўқи-
тувчилар келиб, давра
қуришарди. Ўша кезларда
қишлоқимиз ўқитувчилари-
га ҳаваси келган. Бу касб-
га қизиқиш шундай бош-
ланган.

— дейди Ўзбекистон халқ
таълими аълочиси Давлат
топи ола Хўжанова. —
Шуқри, мамлакатимиз
тинч, осмонимиз мусаффо,
оилалар фаровон. Йигир-
ма нафарга қўн набирала-
римиз воёга етаяпти.
Улар бизнинг бахтимиз,
эзгу ишимизнинг давомчи-
лари.

— Мен ҳам шу қишлоқда
воёга етганман, — дейди
Ўзбекистон халқ артисти
Маҳмуд Номозов. — Собир
ака ва Давлатой опалар ус-
тозларим бўлишган. Улар-
дан таълим-тарбия олган
синфдошларим, мактаб-
дошларимнинг ҳаммаси
ҳаётда ўз ўрнини топиш-
ди. Бизга шундай меҳри-
бон устозлар сабоқ бери-
шдан ҳамма миннатдор-
миз. Ниятимиз — доим соғ-
саломат бўлишимиз, ёш ав-
лод таълим-тарбияси йўли-
да асло чарчамасинлар.

Ўзбекистон халқ таъли-
ми аълочиси, 40 йиллик
педагогик тажрибага эга
олий тоифали ўқитувчи
Собир Хўжановнинг тур-
муш ўртоғи, беш нафар
қизи, уч ўғил ва икки ке-
лини ҳам олий маълумот-
ли ўқитувчи. Тўнғич фар-
занд Назокатхон Денов ту-
манидаги 75-мактабда
ёшларга таълим-тарбия
бераётган бўлса, Гулнора
тажрибали биолог. Гулба-
хор, Зебо, Нодира Узун ту-
манидаги 27-мактабнинг
фидойи мураббий-ўқитув-
чиларидан. Рустамжон
иқтисодчи бўлса, Фахрид-
дин донгдор фермер.
Уларнинг турмуш ўртоқла-
ри Нурбиби ҳамда Райхон
ўқитувчилик касбидан
бахт-икбол топди. Оила
кенжаси Алижон Ўзбеки-
стон давлат жисмоний тар-
бия институтини тахсил
оляпти. У ҳам келажақда
ўқитувчи бўлмоқчи.

— Умр кишига берила-
диган бебаҳо неъматдир,
— дейди Собир ака.

Мохир мураббий Вали-
жон Алимовнинг шоги-
рларидан Ислом Норқў-
зиев ва Зухриддин Ме-



Қувасой шаҳар Собир Раҳимов номидаги ма-
ҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган
«Гулдаста» мактабгача таълим муассасасида
етмиш нафар болақонлар тарбияланмоқда.

Бу ерда болаларнинг соғлигини мустаҳкамлашга
алоҳида эътибор берилади. Уларнинг билим олиш-
га, ҳунар, тил ўрганишга қизиқишлари ривожланти-
риб борилади. Шунингдек, боғчада бадиий гимнас-
тика, рақс, ашула, мусиқа, шахмат-шашка, қўл ме-
хнати каби машғулотлар ўтказилади.

Суратларда: «Гулдаста» мактабгача таълим му-
ассасаси тарбиячиси Муаттар Алимова болақон-
лар билан машғулот пайтида; боғча тарбияланув-
чиси Ойдини Солихонова.

Муқимжон Қодиров (Ўза)
олган суратлар.

ҚЎҚОНЛИКЛАР ШИЖОАТИ

Яқинда Қарши шаҳрида
қўл жанги бўйича Осиё
чемпионати бўлиб ўтди.
Мусобақада уч юзга яқин
спортчи қатнашди. Баҳс-
ларда Ўзбекистон қўл
жанги федерацияси Қўқон
бўлими тарма жамоаси 9
нафар спортчи билан иш-
тирок эди.

лиев (55кг.)лар ўз вазн тои-
фаларида фахрли 3-ўринни
эгалладилар. Профессинал
спортчилар ўртасида Жаҳон-
гир Абдувоҳидов (60 кг.) эса
ғолиблик шохсупасининг энг
юқори поғонасига кўтарилиб,
олтин камар соҳиби бўлди.

— Маҳалламиздаги спорт
клубида ёшларимиз қўл жанги
сирларини пухта эгаллаётган-
ларидан биз гоят мамнунимиз,
— дейди Қўқон шаҳар 10-ёғ
бозори маҳалла фуқаролар йи-

гини раиси Турсунали Пирма-
тов. — Фарзандларимиз
спортга оммавий жалб этил-
гани тўғрисида жиноятчилик,
гиёҳвандлик каби иллатлар че-
кинди. Оилаларимизда соғлом
турмуш тарзи қарор топмоқ-
да.

Қўл жанги мурақаб спорт
тури бўлишига қарамай ғолиб-
ликка астойдил истақ ва ин-
тилиш бўлса, мақсадга эри-
шиш мумкинлигини қўқонлик
ёшлар амалда исботладилар.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУСОБАҚА ЖОЙИ ЎЗГАРДИ

Шу йилнинг 8-16 декабрь кунлари Марат Кабаев
бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар тар-
ма жамоаси Осиё чемпионати саралаш учрашу-
ларида қатнашди. Қуръага кўра, ҳамюртларимиз жой
олган «Д» гуруҳи баҳслари Покистоннинг Лаҳор шаҳ-
рида ўтказилиши режалаштирилган. Аммо мамла-
катдаги нотинч вазият боис, Покистон мезбонлик
ҳуқуқидан маҳрум этилган. Натижада ОФК «Д»
гуруҳида тўп сурадиган мамлакатлар вакилларига
мезбонлик юзасидан тақлиф юборди.

Кўни кеча ушбу гуруҳ учрашувлари ўтказила-
диган давлат номига ойдинлик киритилди. Унга кўра, сара-
лаш учрашувларига Техрон шаҳри мезбонлик қи-
ладиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ёшлар тарма жамоаси «Д»
гуруҳида Покистон, Эрон, Туркменистон ҳамда Ливан фут-
болчиларига қарши майдонга тушади. Мусобақа низомига
мувофиқ, гуруҳдан икки жамоа Осиё чемпионати финал бос-
қичига йўллангани қўлга киритади. Шунингдек, саккизта
саралаш гуруҳидан энг яхши натижани қўлга киритган яна
бир жамоа улар қаторига қўшилади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улўғбек тумани ҳоки-
мияти томонидан рўйхатга олинган «ALFA
STANDARD» МЧЖ (ИНН 300612851)

ТУГАТИЛАДИ

Даво ва эътирозлар эълон матбуотда чиққан кун-
дан бошлаб 2 ой муддат ичида қўйидаги манзилда
қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Пушқон — Салор
кўчаси, 1-уй, 113-хонадон. Телефон: 700-99-22.

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчас мўлк ка-
дастри хизмати Давлат унитар корхонаси то-
монидан Равшан Бўрибоевга берилган
10100704020006-рақамли кадастр ҳужжати йў-
қолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси жамоаси
металлни қайта ишлаш цехининг бошлиғи
Исмоил НУРМАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила
аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изхор этади.

BOSH MUHARRIR:	
Safar OSTONOV	
TAHRIR HAY'ATI:	
Abdulla ORIPOV	Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV	Bobir ALIMOV
Shohbat ABDULLAYEVA	Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV	Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)	G'afhor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)	Musiliddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA	Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV	Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	
BO'LIMLAR:	
Partiya hayoti	233-10-13
Madaniyat va sport	233-69-45, 233-21-43
(Tel. Faks)	233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot	233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot	233-12-56
Reklama va e'lonlar	233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib	233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:	
Andijonda —	25-32-70
Buxoroda —	223-06-02
Gulistonda —	25-46-45
Jizzaxda —	227-48-35
Navoiyda —	223-83-73
Namanganda —	226-45-21
Nukusda —	222-77-21
Samarqandda —	35-02-55
Urganchda —	517-30-58
Farg'onada —	224-18-78
Denovda —	8-37641-23-780
MANZILIMIZ:	
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz	
Navbatchi: Alisher RO'ZIEV	
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV	
*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.	
G — 1049	
8230 nusxada bosildi	
T — Tijorat materiallari	
ISSN 2010-7633	
O'za yakuni — 21.20 Topshirilgan vaqti — 22.50	
1 2 4 5 6 7 8	
Sotuvda erkin narxda	